ЗАҲИРИДДИН
МУҲАММАД БОБУР
НОМИДАГИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2020/ №5(49)

Андижон
2020 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда
8 марта (серия 2 марта)
чоп этилади

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил
17 августда 1097 рақами билан
рўйхатга олинган

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих,
филология, педагогика, кимё ва
биология фанлари бўйича Олий
аттестация комиссиясининг
диссертациялар натижалари юзасидан
илмий мақолалар эълон қилиниши
лозим бўлган нашрлар рўйхатига
киритилган.

Босишга рухсат этилди: 28.08.2020
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:

«Муҳаррир» нашриёти матбаа
бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси 7-уй.

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.xabarnoma.adu.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори, (Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Каримов Баҳодир Нурметович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алифриенко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Капар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Фатма Очик – филология фанлари доктори, профессор (Анқара, Туркия)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

М.Н.АБДУЛЛАЕВА, Г.Ғ ҒАФФАРОВА
Муҳаббат муаммоси замонавий фалсафа призмасида 5

Г.Т.МАҲМУДОВА
«Таълимдан – дунёқарашга» ижтимоий тараққиёт парадигмаси 10

А.А.ЭГАМБЕРДИЕВ
Олий таълим трансформациясини тадқиқ этишнинг айрим назарий муаммолари.....17

ТАРИХ

М.Ғ.АБДУЛЛАЕВ
«Бобурнома» асарида хронология ва метрология.....25

Г.Б.НОРМУРОДОВА
Бухоро жадидлари ижтимоий бирдамлик йўлида 33

А.МАМАЖОНОВ
Юртдошларимизнинг Европа ҳудудида фашизмга қарши курашдаги иштироки.....40

Н.Б.КОМИЛОВ
Жадид Обиджон Маҳмудовнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қарашлари 47

М.Ҳ.ҒОЗИЕВ
Фарғона водийси чорвачилиги тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари).....55

А.А.АБДУХАЛИМОВ
Фарғона водийси қишлоқларида умумтаълим мактаблари.....61

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.Ч.ИГАМУРАТОВА
А.Некрасовнинг «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қиссасидаги
«гапирувчи» номлар таржимасининг ўзига хосликлари.....68

Н.Х.ШАРАФИДДИНОВА
Ритмо-фонетик фигура компонетлари ва уларнинг ўрни 76

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х.ШАҲОБИДДИНОВА, Д.Ш.ЭГАМНАЗАРОВА
Гапнинг актуал бўлиниши назарияси тадқиқининг
тарихи ҳамда асосий йўналишлари 84

Н.Д.ШИРИНОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида предметлик ва белги-хусусият
маъноларини фарқлашда градуонимик муносабатлар 93

Г.З.РОЗИҚОВА
Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида шахс денотатли лексемалар синонимияси.....102

Ў.Ҳ.ИСЛАМОВ
Фасоҳатли нутқни юзага келтирувчи омиллар.....109

Ш.М.СУЛТОНОВА
Диний лексика диний фразеологик бирликларнинг таркибий қисми сифатида.....115

Д.А.РУСТАМОВ
Лисоний қиймат ва мулоқот жараёни.....122

Д.Н.САТИМОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида сленг-лексема ва унинг семик таҳлили 130

Н.Р.АМОНТУРДИЕВ
Ўзбек тилининг умумий изоҳли луғатларида этнолексемалар берилишининг қиёсий таҳлили 138

D.A.SOBIROVA
Bolalar she'riyatida alliteratsiya 145

CONTENTS

PHILOSOPHY

M.N.ABDULLAEVA, G.G.GAFFAROVA
The cognitive system of sufism in the prism of modern philosophy 5

G.T.MAKHMUDOVA
From education to worldview is a paradigm of social development 10

A.A.EGAMBERDIEV
Study of some theoretical problems of higher education transformation..... 17

HISTORY

M.G.ABDULLAEV
Chronology and metrology in «Babur-name» 25

G.B.NORMURODOVA
Jadids of Bukhara on the way to social solidarity 33

A.MAMAJONOV
Participation of our countries in the struggle against fascism in Europe 40

N.B.KOMILOV
Socio-political and economic views of jadid Obidjon Makhmudov 47

M.H.GOZIEV
Ferghana valley livestock history (End of the XIXth - beginning of the XXth) 55

A.A.ABDUKHALIMOV
Secondary schools in the villages of the fergana valley 61

LITERARY STUDIES

D.Ch.IGAMURATOVA
Peculiarities of the translation of «speaker» names in A.Nekrasov's story «The adventures of captain Vrungel» 68

N.X.SHARAFIDDINOVA
Components and the place of rhithm-phonetic figures 76

LINGUISTICS

Sh.H.SHAHOBIDDINOVA, D.Sh.EGAMNAZAROVA
History and main directions of the study of the theory of the actual division of the sentence 84

N.D.SHIRINOVA
Gradual relations in demarcation of substance and attributive meanings in english and uzbek languages..... 93

G.Z.ROZIKOVA
Synonymy of lexemes with person denotatum in «Devon» of Mahmud Koshgari 102

O'.H.ISLAMOV
The factors creating eloquent speech 109

SH.M.SULTANOVA
Religious vocabulary as an integral part of religious phraseological units 115

D.A.RUSTAMOV
Language value and the communication process 122

D.N.SATIMOVA
Slang-lexeme and its semantic analysis in uzbek and english..... 130

N.R.AMONTURDIEV
Comparative analysis of the presentation of ethnolexemes in general dictionaries of the uzbek language 138

D.A.SOBIROVA
Alliteration in children's poetry..... 145

УДК316.42:141.2

«ТАЪЛИМДАН – ДУНЁҚАРАШГА» ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ ПАРАДИГМАСИ

Г.Т.Маҳмудова

Мақолада мамлакатимизнинг ижтимоий соҳа жараёнларида амалга оширилаётган ислоҳотлар воқелиги ва назарий-амалий ҳолатлари таҳлил этилган. Жумладан, муаллиф инсоният тараққиёти негизида фалсафа қонуниятларининг шаклланиши ва ҳаётга татбиқ этилиши орқали борлиқни англаш муаммолари ҳақида фикр билдиради. Замонавий фалсафа муаммолари, таълим тизимидаги ижтимоий соҳаларнинг концептуал масалалари ижтимоий тараққиёт муаммоларига қаратилиши кераклиги билан изоҳланади.

Калит сўзлар: *ислоҳот, фалсафа, парадигма, тафаккур, борлиқ, онг, тизим, қонуният, рационаллик, дунёқараш.*

Встатье анализируются теоретико-практические особенности реформсоциальной сферы в процессе происходящих преобразований в Узбекистане. Глубоко углубляясь в проблемы молодежи и науки, автор раскрывает и анализирует некоторые проблемы в образовании, особенно уделяя в этом большое внимание значению философии как науки о мировоззрении. При этом утверждается, что изменения, происходящие в социальных слоях населения, приводят к изменению содержания общественного сознания.

Ключевые слова: *реформа, философия, парадигма, мышление, бытие, сознание, система, закономерность, рационализм, мировоззрение.*

Замонавий жамият – очиқ, мураккаб тизимли жамият бўлиб, фаолиятда мақсадли йўналтирилган куч, иқтидор, ақлни тақозо этади. Инсоният олдида фақатгина табиий бойликларнинг истеъмолчиси бўлибгина қолмай, моддий ва ижтимоий борлиқни ўзгартириш, кенгайтириш, чуқурлаштириш орқали ақл-идрокни эркин ва мақсадли йўналтириш вазифаси долзарб бўлиб қолмоқда.

Тафаккур тарихини ўрганиш жараёнида шунга амин бўлиш мумкинки, барча мутафаккир алломалар оламни ягона тартиб ва қоидаларга бирлаштиришга ҳаракат қилганлар. Қайсидир маънода бу қонуният баъзи жамиятлар томонидан қўлланса, баъзилари томонидан эса инкор этилган. Қандай бўлишидан қатъи назар, инсоният айнан шу қадриятлар тизимида, таълимотлар борлиғида шаклланган. Зеро, Ҳусайн Воиз Кошифий таъкидлаганидек: «Улуғлар айтишича, ҳамма халойиқ ақлга муҳтождир ва ақлни тажрибага эҳтиёжи бордир. Чунки тажриба ақлни ойнасидирки, унда иш яхшилиги суратини мушоҳада қилади. Рўзғор тажрибалари узун умр ва кўп яшаш билан қўлга келади. Умр орияти муддати бу маънони топишга вафо қилмаслигини ҳакимлар кўрдилар. Шундай экан, бунга шундай чора барпо қилдилар ва меҳрибонлик юзидан бир тадбир кўзладилар. Бу нуқсонни йўқотишнинг иложи бўлсин ва ҳамма тажрибалар бир йўли қўлга киритилсин. Шундай чора ва тадбир шуки, ўтган подшоҳлар аҳволи ҳикоятини ва амирлару вазирлар ахборотини ва олимлару ҳакимлар сўзларини китобларга битдилар. Бурунгилар қиссаларини ва тарихларини кейингилар учун саҳифалар қайдига ёздилар. Токи, давлат ва шавкат аҳли уларни ўзларига дастуруламал қилсинлар ва ҳар қайси бирлари ўз истеъдоди ва ҳимматига боқиб, у ҳикоятлар мутолааси ва у ривоятлар мулоҳазасидан баҳра олсинлар ва фойда кўрсинлар» [1. Б. 202].

Фалсафа оламида дунёни тушунтириш хусусида маълум тизимли назария яратиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермаганига амин бўлиш мумкин. Аммо илгари бундай назарияларнинг кўпчилиги тажрибага суянмас, тажриба натижалари билан тақкосланмас эди. Инсоннинг жамоавий тажрибаси, ижтимоий, миллий ҳаётининг ривожланиш йўли айрим фалсафий назарияларнинг диққат марказидан ўрин олмас эди. Шунинг учун улар оламни билиш борасида инсон тафаккурида бўладиган ҳодисаларнигина ажратиб олиб, фақат унинг қонуниятларини ўрганишар ва уни умуман воқеликка татбиқ этишга уринардилар.

Э.В.Ильенков таъкидлаганидек: «Фалсафа баъзида ёшларда оламнинг чуқур сирлари ҳақида шошилмай ва сокин фикр юритадиган сочларига оқ оралаган донишманд қиёфасида тасаввур қилинади. Бу донишманд «ақл-идрокнинг ўзига хос яхлитлиги» ва шунга ўхшаш сюжетлардан иборат бўлган, борлиқ муаммоларидан, қувонч ва азобларидан воз кечишни талаб этганлигида кўринади» [2. Б. 18].

Фалсафага нисбатан бундай фикрнинг шаклланиши бежиз эмас. Бундан шундай хулоса келиб

чиқадики, замонавий ёшлар ва умуман инсоният «фалсафагача» бўлган даврни бошдан кечирмоқда, яъни улар фалсафанинг қонуниятларини ва талабларини ўрганадилар, имтиҳонлар топширадилар ва бундан енгиллик тортадилар, фалсафанинг тартиблари ва қонунларидан кундалик эҳтиёжни қондириш талабини ҳис этмайдилар. Одам, бир томондан, табиат маҳсули, иккинчи томондан эса ижтимоий муносабатлар мажмуаси сифатида қарор топаверади. Бу иккала жиҳат бир-бири билан узвий боғлиқликда шаклланади. Ана шу томонларнинг диалектик бирлиги асосидагина инсон ҳаёти ва фаолияти ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Агар бу диалектик алоқадорликка аҳамият берилмаса, фалсафий муҳокама бўйича бир томонлама хулосага келиш хавфи туғилади. Агар одамзод ижтимоий муносабатлар мажмуаси экани унутилса, унда фалсафада ғайриилмий биологизмга тойиб кетиш мумкин. Аксинча, биологик-физиологик (табиий имкониятлар) камситилса ёхуд инкор этилса, вульгар социологизм устунлик қилади.

Э.В.Ильенков фикрига кўра: «Ҳақиқий фалсафа икки минг йилдан бери ақл, тафаккур, англаш каби муаммолар билан шуғулланганлиги сабабли, инсонларга бу масалада нима гапириш кераклигини билади. У «ақлни тарбиялаш» каби мустаҳкам асосли икки минг йиллик тажрибага ва бу амалиётнинг жиддий натижаларини умумлаштириш салоҳиятига эга» [2. Б. 23].

Зеро, фалсафий тафаккурда нафақат нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги, шунингдек, уларнинг сифати ҳамда моҳияти ҳам инъикос эта бошлайди. Фикрлаш орқали инсон ўз конкрет мақсад ва аҳволига қараб нарса-ҳодисаларнинг асосий ва зарурий белгиларини фарқлай бошлайди. Сўнгра ягона ва алоҳида, тасодифий ва эътиборсиз сифатлардан умумийлик ва зарур жиҳатлар сари умумлаштириш жараёни содир бўлади. Шу масалага яқин бўлган фикрни етук олим Э.Агацци ҳам билдиради: «Агар мумтоз файласуфлар ўз илҳом парвозларини тажрибага қаратсалар, янги давр идеали эса – кашф этишга, замонавий фан эса сўзсиз тадқиқотлардан иборатдир. Фан яратган нарсаларга мерос эмас, конструкциялар мажмуи сифатида қараши лозим. Бу эса уларни янгидан кўриб чиқиш, танқид этиш, ҳатто керак бўлса баъзиларидан воз кечиш мумкинлигини англатади. Фан фан орқали бойиб боради ва ўз-ўзини ташкиллаштиради. Мулоқот натижасида фаннинг турли соҳаларида истиқболли изланишларга имконият очиб беради. Эски муаммоларни ҳал этиш орқали янги масалаларга кутилмаган манбалардан, баъзи ҳолларда ҳатто мутлақо алоқаси бўлмаган соҳалардан ечим топилади» [3. Б. 22].

Бинобарин, фикрлаш воқелик нарса ва ҳодисаларини умумлаштирган ҳолда билишдан иборатдир. Бироқ ижтимоий тараққиётда чуқурлашиб ва кенгайиб бораётган муаммолар қаторида жамият ривожланиши ва ривожланган жамият тушунчалари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни фарқлай олиш зарур. Шунда шиддатли ва жадаллик билан кечаётган илмий-назарий, ташкилий-амалий вазифаларни белгилаш ва амалга ошириш учун фанларнинг имконияти кенгаяди. Шу маънода фанлараро, трансдисциплинар ёндашувларга асосланган методологик услубларнинг оммалашиб кетганлиги замонавий олам манзарасининг мураккаблашиб бораётганлигидан ва мураккаб тафаккурга эҳтиёж кескин ошиб боришидан далолатдир.

«Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида мен юртимизда 2020 йилга «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб ном беришни таклиф этаман», – дейди Президент Ш.Мирзиёев [4. Б. 5].

Зеро, жамият ривожланишида таълим парадигмасининг ўзаги, айниқса, ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан, маърифат муҳим аҳамият касб этиши ўринлидир. Т.Маҳмудов таъкидлаганидек: «Муҳандислик олийгоҳларида жаҳон ва мамлакатимиз маданиятини ўрганишга кераксиз нарса сифатида қарайдилар. Ачинарли жиҳати шундаки, мутахассислик даражаси, назарий ва амалий кўникмалар айнан гуманитар фанлар орқали шаклланиши эсдан чиқиб кетади» [5. Б. 11].

Ижтимоий-гуманитар фанларга нисбатан бундай муносабатнинг кейинги йигирма йиллар давомида кескин тус олиши, шундоқ ҳам бузилган, якқаҳокимликка бўйсундирилган фалсафани янада таназзулга дучор этди. Демак, биз, умуман, инсоният ҳануз фалсафа деб ўйлаган турмуш тарзини бошдан кечирмоқдамиз. Фалсафа барча билиши шарт бўлган ақлли панд-насиҳатлар йиғиндисига ўхшаб кетмоқда. Биз бошқаларга ўхшаб қадам ташлашга ёки уларнинг кетидан эргашишга ўрганиб қолганмиз. Биз бу анъанадан четга чиқа олмаймиз. Халқларнинг тақдири, орзуси ва мақсади баъзи раҳбарларга эмас, фалсафага боғлиқ эканлигини тушуниб етиш вақти келганлигини қачон англаймиз – билмаймиз. Зеро, инсоният тараққиёти фалсафанинг мумтоз ва замонавий қонуниятлари асосида тасодифларга хос бўлган заруриятлар замирида шаклланмоқда. Шунинг учун инсониятнинг вазифаси фалсафа қонуниятларини ҳаётга татбиқ этиш орқали борлиқни ақлий инъикосига айлантирмоғи зарур.

Шу билан бир қаторда охирги йилларда фалсафага кенгроқ ёндашиш замонавий мамлакатимиз манзарасида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида теран, мушоҳадали назарий ва амалий якдилликни ҳис эта бошлаётганимиз, халқимиз тафаккурида уйғониш жараёнларини кечаётганлигини кўриш мамнунлик ва хотиржамлик ҳиссини шакллантирмоқда.«Бирор нарса ҳақида фалсафий тафаккур этиш, шу нарса ҳақида ўйлаш ва фикр орқали тушуниш демакдир. Маълумки, замонавий фан мураккаб экан, фалсафа ҳам ўз рефлексиясини табиатга ва унинг охир оқибати мураккабликка қаратиши лозим», – деб таъкидлайди Э.Агацци [3. Б. 50].

Ҳаётимизнинг кундалик ташвишларида пайдо бўладиган саволларга жавоб бериш ва қарор қабул қилиш учун ноёб ақл заковатнинг ҳожати йўқ. Бироқ адолат, ҳамжиҳатлик, ислоҳотлар натижаси ва нашидасини қўллаб-қувватлаш ва самарали фаолият турига кўчиш ҳозирги замон талаби бўлиб қолаверади.

Тафаккуримизни чеклаб турган иллатлардан қутулиш илмий тадқиқот ишларининг сифатини кўтариш, ўтмишдаги кўп воқеа ва ҳаракатларни янгичасига ёритиш ва талқин этиш учун йўл очади. Бу масалаларни амалий талаб сифатида ҳал этиш вақти-соати келди, десак янглишмаймиз. Масалан, навбатдаги мунозарали масалалардан бири шундан иборатки, табиийки, ўқувчида ўтмишда бўлиб ўтган бу воқеа-ҳодиса ва жараёнларнинг бугунги кун муаммоларига нима алоқаси бор деган савол туғилади. Бизнинг фикримизча, бу ўзгаришлар диққат ва эътибор билан ўрганилиши керак, чунки то 1991 йилгача биз «СССР» деб аталмиш улкан умум қозонда қайнаб, ўз миллий қиёфамиз, миллий қадр-қимматимиз ва миллий ғуруримиздан аста-аста узоқлашиб бормоқда эдик. Бу сўзлар асло миллийликдан ўгирилишни билдирмайди, балки миллий ҳиснинг, миллий онгнинг, умуминсоний онгнинг ўсишидан суръат жиҳатидан орқада қолаётганини кўрсатади. Биз 1922 – 1991 йиллар оралиғида марказий мажбурий тизимга тобе эдик ва бунинг сарқитлари ҳануз ўзининг таъсирини билдирмоқда.

Бу масалани ўртага ташлашдан мақсад мамлакатимиз ва ўзбекларга алоҳида эътиборни талаб қилиш эмас. Мақсад – объектив, яъни холисона ҳақиқатни фан доирасига киритишдир. Бу муаммони ўртага ташлаб, нима демоқчимиз? Кечикиб бўлса ҳам, шу масала билан шуғулланмоқ даркор, демоқчимиз. Бу масалага алоҳида урғу беришимнинг сабабларидан бири, балки шундан иборатдурки, бевосита мутахассислик ва илмий салоҳиятга янги талабларни қўйишдан иборат: оқилона ва рационал тафаккур, юксак ахлоқий жиҳатлар, иқтисодий ва эстетик билимдонлик, миллатга, миллий ва умуминсоний қадриятларга нисбатан чин муҳаббат тамойилларига содиқлик, мустақиллик миллий уйғонишнинг объектив қонунияти эканлигини англашдир.

Шу боис замонавий таълим парадигмаси: «Илм-фан, таълим инсонларни бирлаштиради ҳамда – мафкуравий, иқтисодий, диний, маданий фарқланишидан қатъи назар – инсоният учун умумий қадрият вазифасини бажаради. Ҳозирги замонга монанд фаолият юритиш учун муайян илм, билим соҳиби бўлиш шарт», деган фикрларнинг муайянлигини тасдиқлайди [6. Б. 38].

Э.Агацци фикрига кўра: «Фалсафа кенг маънода – доноликни излаш, шундай экан унинг бу муваффақиятидан бутун тарихи мобайнида ҳам воз кечилмаган. Шундай экан фалсафа соф методология чегараларидан кенгроқ тушунчадир» [7.Б.60]. Бу борада йўл қўйилган жиддий хатолардан бири шундан иборат бўлдики, фалсафамиз жамият, оила, шахс ҳаётидан узиб ўқитилди ва ўрганилди, фақат олий ўқув юртини тамомлаганлик ҳақидаги ҳужжатдагина расмий умумбаҳо билан чекланилди. Ҳолбуки, фалсафа жамият, инсон ва шахснинг кундалик ҳаётини ҳар жиҳатдан ўзида акс этдиради десак кам, у янгиликни излашга йўл белгилаб туради. Бу йўлни излаш асосида аниқ белгилаб олиш шахсга, инсонга боғлиқ. Яна энг мураккаб томони фалсафада дунёқараш масаласидир. Зеро, дунёқараш муаммолари ва масалалари билан бирорта алоҳида фан шуғулланмайди. Шундай экан, Э.Агацци фикри билан айтганда, фалсафанинг имкониятларини тор методологик доирада эмас, аксинча, кенгроқ тушунмоқ зарурдир.

И.Кант фикрига кўра: «Мушоҳада қилиш иқтидорининг йўқлиги аҳмоқликдир. Унга қарши дори мавжуд эмас» [2. Б. 26]. Инсоннинг бу салоҳиятга эришиши мураккаб тарбия босқичлари, миллиардлаб ўзаро алоқадор ва бир-бирини тўлдирувчи жараёнлардир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда бунга имконият ва шароит мавжуд экан, рационал тафаккур тарзини олий мақсадлар сари йўналтириш зарурати долзарб бўлиб қолаверади.

Бу масалаларга жиддий диққат-эътиборни ажратиб боришнинг муҳимлиги, шубҳасиз, чунки ҳақиқий тараққиёт йўлига чиққан ҳар бир миллат ўз ривожланишининг янги даражасига кўтарилиши табиийдир. Э.Агацци фикрига кўра: «Олимлар баъзи парадигмаларга, қабул қилинган умумий дунёқарашлар, тамойиллар, услубий қоидалар, концептуал асослар, ҳар хил назарияларга кўпроқ ишонишади. Айнан шу парадигма доирасида, улар тажриба ва синов орқали одатий мезонлардан фойдаланадилар, мантиқий қурилиш ва эмпирик тадқиқотлар натижасида жумбоқларни ечишга уриниш, Кун фикрига кўра «Оддий фан»

ҳисобланади. Ушбу қийинчиликлар мунтазам ва ечим топмас экан, парадигма инқирозга учрайди. Агар янги парадигма пайдо бўлса, олдинги парадигманинг энг жиддий ечиб бўлмайдиган аномалияларини бартараф этиш орқали, ушбу соҳада ишлайдиган бутун илмий жамоаларга хос бўлган глобал ҳодисага айланади. Руҳий социологик жараёнларда деярли бутунлай эмпирик ва мантиқий талабларга бефарқ бўлиб, мафкуравий ва диний мурожаатларга ўхшаб кетади» [3. Б. 44].

«Давр кишиларининг ижтимоий тузилмалар, олам манзараси ва инсоният тақдири ҳақидаги конкрет ҳаётий мазмун касб этган назарий фикрлари, борлиқни фалсафий идрок этиш, модда эмас, аксинча, янги тафаккур хусусиятидир» [5. Б. 43], деб таъкидлайди Т.Маҳмудов. Зеро, инсониятнинг био-физиологик тараққиёти қаторида уларнинг онги, руҳияти ва тасаввурларида ўзгаришлар бундан далолат беради. Ҳозирги кўринишдаги одамларнинг шаклланиб ва «тўхтаб» қолиши миллион-миллион йилларни ўз ичига олса-да, жисмонан шаклланган одамзод маънавияти ва ворислик қонуниятларига биноан узлуксиз тараққиёт жараёнида кечади.

Бу ўринда жамият тараққиёти «эски» эҳтиёжларни қондириш ва янги эҳтиёжлар туғилиши жараёни тарзида кўзга ташланади. Эҳтиёжлар бир пайтнинг ўзида фаолият манбаи ҳамда натижаси бўлиб қолади. Қизиқишлар эса эҳтиёжларни ҳаракатга келтирувчи, инсон билими ва тажрибасини тўлдирувчи маънавий куч ҳисобланади. Эҳтиёжлар қизиқишни туғдирса, қизиқишлар истеъдод куртакларини ҳаракатга келтиради.

Одамзоднинг онгли фаолият дунёсига кўчишида, унинг дастлабки ҳиссиёт ва тасаввурларининг турғунлик ва фаоллик касб этишида тафаккур тараққиёти ниҳоятда катта роль ўйнайди. Инсон тафаккур туфайли бевосита ҳиссиёти ва тасаввури берган «маълумотлар»ни таққослаш, фарқлаш, хулоса чиқариш ва уларга қайта-қайта мурожаат этиш имкониятига эга бўлади. Ҳар бир давр янги тафаккур, ғоялар, креативлик каби инновацияга эҳтиёж сезиб бораверади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: «Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни яна барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда» [8. Б. 3-4].

Шундай экан, ижтимоий тараққиётни жуда узоқ ва мураккаб жараён сифатида кўрган ҳолда онг уйғониши унинг ҳаракатини белгилагандек, ҳаракат эса онг шаклланишини тезлаштиради.

«Фақат шундагина натижага эриша оламиз. Шу муносабат билан ҳокимлар ва уларнинг биринчи ўринбосарлари ўз иш услуби ва дунёқарашини тубдан ўзгартириши шарт. ... Буларнинг барчаси давр талаби. Бу талаб иқтисодиёт ва, айниқса, ижтимоий соҳанинг, шунингдек, аҳолининг муҳим муаммоларини бир ой ёки бир йилдан кейин эмас, балки шу бугун, ҳозирнинг ўзида ечиш заруратидан келиб чиқади» [9. Б. 51], – дейди Президент Ш.Мирзиёев.

Шу ўринда инсоннинг якка шахс сифатидаги ҳаёт тарзи уни воқелик билан боғловчи маънавий воситага айланганини кўрсатади. Инсоннинг шахсий кўникмалари ижтимоий тажриба билан, ижтимоий тажрибалар эса индивидуал малакалар эвазига бойиб бориш имконияти вужудга келади. Ана шу тариқа инсоният тарихини белгиловчи авлодлар ворислиги қонунияти пайдо бўлди: ижобий фаоллик онгни, онг эса тафаккурни шакллантиради. Одамлар муносабатларида шаклланувчи ва ривожланувчи ижтимоий онг, ўз навбатида, доимий ворислик асосидагина сақланиб қолади ва келажак авлодлар маънавий мулкига айланади. Қачонки, бундай табиий муносабатлар бузилса ёки унга ҳалақит берилса, ўша ерда авлодлар ворислиги узилган бўлади.

Э.В.Ильенков таъкидлаганидек: «Шахс соф индивидуал бетакрорлиги билан эмас, балки унинг хулқи, сўзи, ишларини умумжамоада кенг ва тўлақонли аҳамият касб этгани билан қадрлидир. Шахснинг бетакрорлиги унинг бошқалар учун қандайдир янгилик яратиши, ўзгалардан аъло ва бошқалардан тўлароқ бошқа инсонларнинг моҳиятини ифодалай олишидадир. Ўзгалар билмаган, тушуна олмаган ва қила олмаган вазифаларга ўз фаолияти билан имконият чегараларини очиб беришдадир. Унинг бетакрорлиги ўз индивидуал хусусиятларини нима бўлмасин намойиш қилиш, бошқаларга ўхшамаслигини, аҳмоқона индивидуаллигини кўрсатиш эмас, аксинча, умумий янгилик кашф этиш орқали умумийликни яратган индивид шахс бўлиб гавдаланишидир» [2. Б. 413].

Инсон тафаккури ва онгининг миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгариши, бойиши, кенгайиши ва ранг-баранг тус олиши, биринчи навбатда, ижтимоий тажрибага, иккинчидан, инсон шахси ва индивидуал лаёқат хусусиятларига боғлиқ бўлади. Табиатни ўзлаштиришда инсоннинг қайси сезгилари бирламчи ёки асосийлик аҳамиятини касб этганидан қатъий назар одамзоднинг ўзаро муносабат ва мулоқотлари эҳтиёжи инсоннинг жисмоний ва маънавий такомилига боғлиқдир. Шу тариқа одамзод тафаккур тарзи инсоният тарихини бошқарувчи мустақил ижтимоий кучга айланиб боради.

Шу маънода яна бир масала таълим тизимида фалсафий билимлар кўникмаси ва захирасини фалсафа тарихининг умумметодологик масалаларига қаратишдан иборат. Бу мулоҳазаларимизни инобатга олиб, фикр юритишни давом эттирсак, маълум бўладики, халқимиз тарихи милоддан бир ярим минг йил чамаси аввал бошланган. Уни кейинги бир ярим аср атрофида ва милодимиз ичида фикр юритишга ўргатганлар, шу боис бизнинг таклифимиздан у ҳадиксираши мумкин. Зеро, биринчи навбатда, тарихий ҳақиқат фактлари асосида фикр юритишимиз зарур. Шундай хулоса чуқур илмий муҳокама ва муборизa асосида олиб борилса, жиддий масалалардан бирига ойдинлик киритилади. Ҳар бир халқнинг тарихи ўзига хос воқелик эканлиги шубҳасиздир. Бу масалага тарих ва фалсафа фанлари аниқ ва асосли жавоб беришга уринмоқда. Баъзи классик манбаларда «қадимий миллатлар» ва «энг қадимий миллатлар» деган таъриф ва тавсифларни учратиш мумкин. Бу таъриф ва тавсифлардан фойдалансак, ўзбек миллатининг тарихи «энг қадимий ўзбек миллати», «қадимий ўзбек миллати» ва «ҳозирги ўзбек миллати» қисмларидан иборат бўлади. Ҳар бир миллатнинг тарихини шу асосда қисмларга бўлиш тарих ва фалсафа фанлари учун жиддий назарий ва ташкилий аҳамиятларга эга бўлиши мумкин. Бу даврларнинг мавжудлиги ва уларнинг ҳар бир миллатда ўзига хос бўлиши табиийдир. Миллат – объектив ва субъектив омилларнинг кишилар жамоаси ҳаёт кечириш талабларига жавоб берадиган муҳит ҳамда шароитнинг юзага келиши ва мавжуд бўлишидир. Шу нуқтаи назардан олганда, ўзбекнинг 3,5 минг йилдан бери мавжуд эканлиги фараздан илм-фан омилига айланиши фан эришган зарра ютуқчалардан бири бўлиши мумкин. Бу мавзу – очилмаган қўриқ. Ҳозирги пайтда миллатларнинг шаклланиш тарихи ва тараққиёти жараёнида ўзгариб бориши жаҳон фанида энг суст ишланган мавзулардан биридир. Миллат фалсафаси масаласининг маълум даражада тенги йўқ даражада мураккаблигининг сабаби шундан иборатки, миллатни шакллантирувчи омилларнинг ўзи доим ҳаёт тазйиқи боис турли суръатдаги ўзгаришда эканлиги маълум. Ҳайдар Алиқулов таъкидлаганидек: «Фалсафий меросимизни қадимги даврдан то бизнинг замонамизга қадар янгича ёндашув асосида, тарихийлик, мантиқийлик, диалектик тамойилларни қўллаб холисона ўрганиш, уни яхлит ва умумлашган ҳолда чоп этиш давр талабидир» [10. Б. 5]. Шу боис миллий фалсафий анъаналарни ижтимоий маданий қиёслаш тизимини мезонини ишлаб чиқиш, уларни яхлит умумийликнинг алоҳида қисми сифатида кўришга шароит яратади.

Онг ўзгариши бир сониялик жараён эмас. Бунда янги авлодлар миқёси, ислоҳотларда тобланган, ўзгарган, трансформацияга учраган ижтимоий жараёнларни тасаввур этиш лозим. Ижтимоий онгимиздаги азалдан шаклланган стереотипларнинг ўзгариши, наинки ҳаёт, жамият, тузум, балки ўзимизга миллий онглилигимизга, умуминсоний қадриятларга нисбатан муносабатни аллақачон ўзгартириб юборди.

Шу маънода фалсафий онг ва тафаккурнинг алоқадорли ҳақида Н.И.Лапин «Бегоналашувдан эркинликка» мақоласида шундай ёзади: «Фалсафанинг яхлитлилиги (дунёқараш, методология, танқидий ва ҳ.к.) функцияларини тиклаш ҳақида сўз бораётганлигидан далолат беради. Чунки унинг баъзи функциялари етарли деформацияга учради, бошқалари буткул йўқ қилинди, шу сабабли улар тарқоқ ҳолга келиб қолди. ... Натижада фалсафий онг ва дунёқараш муносабатларига оид фундаментал муаммолар пайдо бўлди. Фалсафанинг яхлитлигини тиклаш фалсафий тадқиқотларнинг ривожлантириш, жамиятимизда фалсафий онгни янгилаш, ижтимоий тараққиётни шаклланишидаги асосий омил бўлиб қолади, деган якдиллик ана шу жараёнларда намоён бўлади» [11. Б. 408 – 409].

Н.И.Лапиннинг фикрига қўшилган ҳолда фалсафий онг инсониятнинг табиат ва коинотнинг ажралмас бир қисми эканлигини кўрсатишига, унга сингиб кетган мувозанатини вужудга келтирганлигидан далолат бераётганлигига амин бўлиш мумкин.

Шунинг билан бирга барча янгиликларни лабораториямда топаман деб ўзингизни дунёнинг кенглигини билишдан тийманг. Бу чексиз оламда сизнинг қобилиятларингизни кенг ва чуқур намоён бўлишига хизмат қиладиган йўлини қидиринг ва топинг. Асл дурдона нарса ёки фикрларнинг намоён бўлиш йўллари минг хил эканлиги узоқ ўтмишлардан бери маълум. Бу сўзлар, бизнингча, эркин бозор муносабатлари шароитида, айниқса, биз ўзбекларга тегишли деб биламан, чунки халқимиз кўп минг йиллик ҳаёт мактабини ўтган ва шунинг билан бирга ҳозирги шароитда чексиз объектив ва субъектив, ташқи ва ички имкониятларга эга. Инсон онги такомили инсоний эркинликка, инсоний эркинлик эса бевосита инсон онги ривожига боғлиқ бўлиб қолади. Бу жараён тараққиётнинг демократия, инсонпарварлик каби камолотга элтувчи мезонларини ҳаётий эҳтиёжга айлантириш билан изоҳланади. Шу ўринда фалсафий онг хусусиятининг марказида турувчи инсон ва олам, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва муносабати муаммолари долзарб бўлиб қолаверади.

Инсоннинг психофизиологик тузилиши унинг онгли мавжудот эканлигидан дарак берса, ижтимоий онг мазмуни ва кўлами эса ижтимоий

муносабатлар ва миллий анъаналар, маънавий қадриятлар ворислигини кўрсатади. Шаклланиши ва тараққиёти ўта мураккаб бўлган ижтимоий онг ҳақида гап кетганда, унинг қайсидир жисмоний ва маънавий салоҳиятлари бирламчи, бошқалари иккиламчи деган саволга бир томонлама жавоб бериб бўлмайди. Инсоний бир бутун онгли мавжудот тарзида қараш борасида мураккаб онг тизимининг давр талаблари ва хусусиятлари нуқтаи назаридан ўрганмоқ ва бу борада таълим парадигмаси муҳим локомотив эканлигини англаш муҳимдир.

Фикрларни умумлаштирган ҳолда шуни эътироф этиш зарурки, замонавий таълим парадигмаси содда ва жўн масала эмас, у фалсафадаги замонавий методологик қарашларнинг асосий мазмун ва моҳиятига амал қилиши зарур. Демак, фалсафий дунёқараш замонавий билимларга эришиш, ислоҳотларнинг мазмун ва моҳиятини англаш, дин ва илм, иймон ва ахлоқ, дид ва фаросат, билим ва жаҳолат, зиддият ва тафовут каби миллий ва умуминсоний қадриятларнинг аксиологик имкониятларини кенгайтиради. Бунинг натижасида назарий ва амалий билимларни ўзлаштириш, миллий ва адабий тил, ижодий-бадиий жанрларни бойитиш, миллий ахлоқий-эстетик тафаккурнинг анъанавий ва янги қатламларини ривожлантириш ва ўзлаштириш каби жараёнлар самарадорлиги билан мустаҳкамланади.

Адабиётлар:

1. *Ҳусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний.* – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. – 664 б.
2. *Ильенков Э.В.* Философия и культура. – Москва: Политиздат, 1991. – 464 с.
3. *Агацци Э.* Переосмысление философии науки сегодня // Вопросы философии, 2009. – №1. – С.40 – 52.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент, 2020. – 30 б.
5. *Маҳмудов Т.* Эстетика и духовные ценности. – Тошкент: Шарк, 1993 – 284 с.
6. *Абдуллаева М.Н., Сафарова Н.О., Ғаффарова Г.Ғ., Жалолова Г.О., Ниязимбетов М.К., Усмонов Ф.Н.* Мустақиллик ва ғоялар фалсафасининг назарий-методологик асослари. – Тошкент: Наврўз, 2014. –160 б.
7. *Агацци Э.* Методологический поворот в философии // Вопросы философии, 2014. – №9. – С.60 – 66.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. – Тошкент: Адолат, 2018. – 112 б.
9. *Мирзиёев Ш.* Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
10. Ўзбекистон фалсафаси тарихи.1-жилд. / Ҳ.Алиқулов таҳрири остида. – Тошкент: NOSHIR, 2013. – 308 б.
11. Философское сознание: драматизм обновления /Ответственный редактор: Е.Н.Шульга, *Н.И.Лапин*. – Москва: Издательство политической литературы, 1991. – 413 с.

FROM EDUCATION TO WORLDVIEW IS A PARADIGM OF SOCIAL DEVELOPMENT

G.T.Makhmudova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 5(49). 10 – 16.
[1]National University of Uzbekistan, Tashkent, 100174, str. University, 4 (Uzbekistan). E-mail: devonxona@nuu.uz

Keywords: *reform, philosophy, paradigm, thought, being, mind, system, regularity, rationality.*

In the world of philosophy, one can be sure that not everyone is able to create a certain systematic theory of how to explain the world. But in the past, many of these theories were not based on experience, nor were they comparable to experimental results. The collective experience of man, the way of development of social, national life, could not be the focus of some philosophical theories. Therefore, in order to know the universe, they only studied the phenomena that occur in the human mind, studied only its laws, and tried to apply it to reality in general.

The author summarizes the theoretical and scientific views of modern and mature oriental scholars such as EV Ilenkov, E.Agattsi, HusseinVoizKashifi. In particular, Kashifi's connection between reason and experience, the fact that EV Ilenkov has dealt with problems such as reason, thinking, comprehension for two thousand years of true philosophy, and the problem of his ability to generalize the serious results of practice. Agatz's views on the philosophy of science, the dialogue of complex

systems of self-organization and interdisciplinary methodological views are systematized.

The article critically analyzes the problems and tasks in the social and humanitarian spheres. The reforms in the social and educational spheres that have taken place in the country in recent years, the expansion of broader approaches to philosophy, the significant revival processes in the minds of the people are determined by the expression of complex reality in complex thinking.

«To think philosophically about something is to think about it and understand it through thought. It is known that modern science is complex, and philosophy must focus its reflection on nature and, ultimately, on complexity», said E.Agatzsi.

But at the same time, in recent years, a broader approach to philosophy, in the landscape of our modern country, in the process of reforms, we are beginning to feel deep and visible theoretical and practical unity, to see the process of awakening in the minds of our people. «To think philosophically about something is to think about it and understand it through thought. It is known that modern science is complex, and philosophy must focus its reflection on nature and, ultimately, on complexity, »said E. Agatzsi.

For this reason, philosophical thinking begins to reflect not only the interdependence of things and events, but also their quality and essence. Through thinking, a person begins to distinguish between the basic and necessary signs of something, events, depending on his specific purpose and situation. Then there is the process of generalization from singular and particular, random and neglected qualities to generality and necessary aspects.

References:

1. Hussein Waz Kashifi.(2010) Axloqi Muhsiniy [Ethics Muhsini]. Tashkent: O‘zbekiston milliy enciklopediyasi.

2. Il’enkov, E.V. (1991) Filosofiya i kul`tura [Philosophy and culture]. Moscow: Politizdat.

3. Agacci, E. (2009) Pereosmyslenie filosofii nauki segodnya [Questions of Philosophy]. *Voprosy filosofii*. No 1. Pp. 40-52.

4. Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis. (2020) Tashkent. January 24.

5. Mahmudov, T. Estetika i duhovnye cennosti [Aesthetics and spiritual vatues]. Tashkent: Sharq.

6. Abdullaeva, M.N., Safarova, N.O. (ed.) (2014) Mustaqillik va g‘oyalar falsafasining nazariy-metodologik asoslar [Theoretical and methodological bases of the philosophy of independence and ideas]. Tashkent: Navro‘z.

7. Agacci, E. Metodologicheskij povorot v filosofii [Methodological turn in philosophy].*Voprosy filosofii*. No 1. Pp. 60-66.

8. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining ‘O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘isida’gi Farmoni (2018) [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan «On the strategy of further development of the Republic of Uzbekistan]. Tashkent: Adolat.

9. Mirziyoev Sh. (2017) Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak [Critical analysis, strict discipline and personal responsibility should be the daily rule of every leader’s activity]. Tashkent: O‘zbekistan.

10. Alikulov, H. (ed.) (2013) O‘zbekiston falsafasi tarixi [History of the philosophy of Uzbekistan]. Tashkent: NOSHIR.

11. Lapin, N.I. (ed.) (1991) Filosofskoe soznanie: dramatizm obnovleniya [Philosophical consciousness: dramatism of innovation]. Moscow: Izdatel’stvo politicheskoj literatury.

Муаллиф ҳақида маълумот:

МАҲМУДОВА ГулиТилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор, Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ. Ўзбекистонда ислоҳотлар жараёнини таҳлил этиш ва амалга оширишнинг концептуал-фалсафий методологияси (Ҳаракатлар стратегияси асосида) мавзусидаги лойиҳа раҳбари. E-mail; ms.makhmudova@inbox.ru.